



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА — ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини тубдан оширишга, соғлиқни сақлаш давлат тизимининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, тиббиёт муассасаларининг ресурслар салоҳиятини яхшилашга қаратилган соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг миллий тизимини жадал ривожлантириш ишларини тизимли ва сифатли ташкил этиш учун умумий амалиёт врачларининг, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг, қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг лавозим маошлари оширилди, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида меҳнатни рағбатлантиришнинг бозор усуллари белгиланди.

Тиббиёт ходимлари меҳнатини баҳолашнинг ҳамда улар оладиган иш ҳақи ва мукофотининг бажариладиган ишнинг мураккаблиги ва кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатига аниқ ва бевосита боғлиқлигини таъминлашнинг илғор механизмлари жорий этилди.

Шу билан бирга, мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш зарур бўлган шaroитда тиббиёт соҳасини бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришнинг давом эттириш, уларнинг касбий даражасини ошириш учун муносиб шарт-шaroитлар ва рағбатлантирувчи омиллар яратиш масалалари давлатнинг диққат марказида турибди.

Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаши учун муносиб шарт-шaroитлар яратиш, юксак профессионал кадрлар салоҳиятини шакллантириш мақсадиди.

1. Давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 2018 йил 1 декабрдан 1,2 баравар ва 2019 йил 1 апрелдан 1,15 баравар босқичма-босқич оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда халқаро тажрибани ўрганиш асосида 2019 йил 1 июлгача бўлган муддатда тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш бўйича қуйидагиларга йўналтирилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг лавозимига ва малакасига, кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг мураккаблиги ва жавобгарлик даражаси, шунингдек, даволаш-профилактика муассасалари ихтисослигига қараб базавий лавозим маошларини жорий этиш;

тиббиёт ходимлари фаолиятини ва меҳнати унвдорлигини баҳолашнинг замонавий усулларини, шу жумладан, даволаган беморлар электрон статистикасини босқичма-босқич татбиқ этиш ва беморлар ўртасида онлайн сўровлар ўтказиш орқали жорий этиш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини тубдан қайта қўриб чиқиш, улар бажарадиган ишлар сифати, эришилган натижалар ва кўрсатилган тиббий хизматларга жамоатчилик томонидан берилган баҳоларга қараб уларга ҳақ тўлашни таъминлаш;

тиббиёт муассасалари раҳбарлигида алоҳида ўрнатилган врачларга Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тариф ставкасининг 100 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгилаш ҳуқуқини бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдори оширилиши муносабати билан давлат тиббиёт муассасаларининг қўшимча харажатлари молиялаштирилишини, 2019 йилда ва кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрларини шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган зарур маблағлар назарда тутилишини;

2020 йилдан бошлаб Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш учун ажратиладиган маблағлар ҳажмлари босқичма-босқич оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида юридик шахс макомига эга бўлмаган Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қўллаш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

а) қуйидаги миқдорларда ажратиладиган ажратмалар:

давлат тиббиёт муассасалари томонидан пуллик асосда кўрсатилган тиббий хизматлар, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари хизматлари учун тушумлар миқдорининг 2 фоизи;

олий тиббиёт таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланадиган пуллик ўқиш контрактлари бўйича тушумлар миқдорининг 5 фоизи;

олий тиббиёт таълим муассасалари ҳисобварақларида жамланадиган ўқиш контрактларининг оширилган ставкаси бўйича тушумлар миқдорининг 10 фоизи;

фармацевтика ва тиббиёт фаолияти билан шугулланиш, шу жумладан, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини чакана реализация қилиш ҳуқуқига лицензиялар олиш учун талабгорлар томонидан тўланадиган давлат божлари тизимидаги тушумлар миқдорининг 20 фоизи;

б) Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари;

г) қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилансинки, Жамғарма маблағларидан: соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини мукофотлар, моддий ёрдам, қўшимча ҳақлар, устамалар ва рағбатлантирувчи туловларнинг бошқа турлари кўринишида моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш, шунингдек, уларга санатория-курорт ва тиббий хизмат кўрсатилишига ҳақ тўлаш;

уй-жой билан таъминлашни яхшилашга сарфланадиган харажатларни, шу жумладан, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг тиббиёт ходимлари учун уй-жойлар қуришни ташкил этиш орқали молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ва амалиёт ўтказишини, шу жумладан, уларнинг хорижий мамлакатларга таширфлари, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш; соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар харид қилиш ва ахборот-коммуникация тармоқларини таъминлаб туриш;

хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;

олий тиббиёт таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

7. Жамғарманинг даромадлари, шу жумладан, вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларига жойлаштиришдан фойзалар тарзида олинган даромадлар солиқларнинг барча турларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига бошқа мажбурий туловлардан 2021 йил 1 ноябргача озод қилинсин.

8. Қуйидагиларнинг: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимовнинг — тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг тубдан қайта қўриб чиқилиши бўйича таклифларни тайёрлашда масъул вазирлиқлар ва идоралар ишнинг амалда мувофиқлаштирилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шодмоновнинг — Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шунингдек, ушбу қарорга мувофиқ соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларининг ижтимоий ҳимояланганлигини кучайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини тақомиллаштириш учун шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқласин, шу жумладан, Жамғарма маблағларини сарфлашнинг аниқ ва шаффоф тартибини, унинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобот бериш масалаларини назарда тутсин;

тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан тиббиёт муассасаларида врачликдан бошқа фаолиятини бажараётган олий маълумотли мутахассислар лавозимлари номенклатурасини қайта қўриб чиқсин;

манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А.Абдуҳакимов ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 7 ноябрь

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА



ГЎЗАЛ ҒОЯ ВА ЛОЙИҲАЛАР

амалга ошмоқда, корхона қуввати юксалмоқда,
ишчи-ҳодимлар ҳаётдан рози бўлмоқда

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг комбинат ишчи-ҳодимларига билдирган қуйидаги самимий эътирофи ёдига тушса, қалбимда ажиб бир фикрчор туяман:

«Инсонда бир олам орзу-ҳаваслар бўлиши мумкин. Бироқ уларни амалга ошириш учун мол-дунёси бўлмаслиги мумкин. Ёки одамнинг давлати бисёр бўлиши мумкин-у, бироқ унда чиройли мақсадлар, ёрқин режалар бўлмаслиги мумкин. Сизларда гўзал ғоялар, ажойиб лойиҳалар ҳам, уларни рўёбга чиқариш учун етарли маблағ ҳам бор экан. Даромадингиздан замонавий шахарлар бунёд этиб, фарзандларингиз учун маданият ва спорт иншоотлари қўриб, мазаза қилиб яшаётган экансизлар».

Ёки ўзбек халқининг суюмли шоираси Фарида Афрўз комбинатимизга ташриф

буйурганида, эртақмонанд шахарларимизни айланиб, ишчи-ҳодимлар ва уларнинг фарзандлари учун яратилган шароитдан хайратланиб; «Сизлар мамлакат ичра мамлакат яратибсизлар», деганларини эсласам, суюниб кетаман.

Республика маънавият-тарғибот марказига малака ошириш учун борганимда ёши улуг бир устоз дарс жараёнида жавобларимдан кўнгли тўлиб; «Қизим, қайси ташкилотдансиз?», деб сўраган. Навоий кон-металлургия комбинати мутахассиси эканлигини билган, менга алоҳида эҳтиром кўрсатган ва аудиторияга юзланиб, «Келинлар, бир дуо қилайлик, юртимизда Навоий кон-металлургия комбинатидек бақувват корхоналар кўпайсин», дея қўлини дуога очган. Шунда юзлаб нигоҳлар менга ҳавас кўзи билан боқаётганини ҳис қилиб, дунёларга сиймай кетганман.

Давоми 3-бетда. ►

БАНДЛИК

ҲАОЛ ПАРТИЯДОШИМИЗ

аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда

Жорий йилда Шўрчи туманида 171 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Саноат, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда партиядошларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани кўнонарли.

Тумандаги «Далварзин оқ тумшук» масъулияти чекланган жамиятига Ўзбекистон ХДП аъзоси Диёр Бекмуродов раҳбарлик қилади. Унинг ташаббуси билан яқинда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда тайёрланаётган ўн турга яқин миллий таомлардан мижозлар мамнун бўлмоқда.

— Тадбиркорликни йўлга қўйишда Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман кенгаши мутасаддилари яқиндан ёрдам берди, — дейди Диёр Бекмуродов. — Ақциядорлик тижорат «Халқ банки» туман филиалидан 500 миллион

сўм кредит олганимиздан кейин 25 сотихли ташландиқ жойни обод қилдик. Дастлабки босқичда кўркам мажмуа иш бошлаган бўлса, яқин келажақда 200 ўринли кинотеатр, музаймоқ цехи, суратхона, тўлов шохобчасини ишга туширмоқчимиз. Шунда яна 20 кишининг бандлигини таъминлай оламиз.

— Жорий йилнинг етти ойида тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан 107 лойиҳа амалга оширилди, — дейди Шўрчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Шоҳжаҳон Абдуллаев.

— 27 миллион 34 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган лойиҳаларнинг якунланиши билан 355 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Бу борадаги хайрли ва эзгу ишларни мунтазам давом эттириш кўзда тутилган.

Музработда янги иншоотлар

Музработ туманида тўрт иншоот — «Юртим жамоли» маҳалла фуқаролар йиғини биноси, 47-ойлави поликлиника, 9- ҳамда 10-мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

— Бу иншоотларнинг ҳаммаси керакли пайтда қурилди, — дейди Ўзбекистон ХДП Музработ туман кенгаши раиси Панжи Норматов. — Маҳалла аҳли узоғи яқин бўлганидан хурсанд. Болалар бочаларидаги шароитдан барча мамнун. Ойлави поликлиникалар замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланмоқда. Бундай янгиликлар музработликларнинг эртанги кунга ишончини оширмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎҚУВ СЕМИНАР

Сайлов ва сиёсий технологиялар

Етакчилик нима? Ҳар қандай раҳбар ёки бошқарувчи ҳам лидер саналадими?

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан «Тараққиёт стратегияси» марказида ўтказилган сайлов ва сиёсий технологиялар мавзусига бағишланган семинар қизиқарли саволлар билан бошланди.

Дарҳақиқат, барча раҳбарни ҳам етакчи, деб айта оламиз. Чунки лидерлик санъат бўлиб, одамларга таъсир ўтказиш, уларни ишонтириш, маълум мақсадлар сари етаклашни билдиради.

Ушбу масалага кенгрок қарасак, тараққиёт йўлини тутган ҳар қандай давлатда аҳолини сиёсий жараёнларга жалб этиш, уларнинг сиёсий маданиятини ошириш муҳим вазифалардан саналади. Семинарда шу ҳақда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давоми 2-бетда. ►

БИР ҚУДУҚ МОЖАРОСИ

ёки Фориш туман
ҳокимияти таҳририят
хатига нега жавоб
бермагани ҳақида

3

ЎЗ ФИКРИНИ ЭРКИН БИЛДИРАДИГАН ЁШЛАР

демократик ислохотларга куч – қувват беради

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи — 2018» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичлари ғолиблари ишти-

рок этди. Ёш сиёсатчилар учта шарт асосида ўз билимларини синовдан ўтказишди. Танловдан сўнг фаол ёшлар мухбирларимиз билан суҳбатда ўз таассуротлари, хулосалари, таклифлари ва орзулари ҳақида гапириб беришди.



Покиза ХОЛБЎТАЕВА,
Бекобод тумани
техника иқтисодиёт
касб-хунар коллежи
ўқувчиси, «Ёш
сиёсатчи — 2018»
танлови ғолиби
(Тошкент вилояти):

— Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилаётгани, бандлик масаласига устувор вазифа сифатида қараётгани учун Халқ демократик партиясини танлаганман. Ушбу танловда катта қизиқиш билан иштирок этдим ва ғолиб бўлдим. Ҳаяжоним, хурсандчилигимни сўз билан таърифлаб беролмайман.

Ойлада 4 қизнинг кенжаси-ман. Опаларим яхши ўқиган. Улардан жуда ҳам миннатдорман. Опаларимга муносиб сингил бўлиш учун ҳам яхши ўқишга, намунали бўлишга

интиланман. Келажақда ташқи ишлар вазирлиги тизимида ишламоқчиман. Мақсадим — ноғиронлиги бўлган шахсларни ҳам ишли қилиш имкониятига эга инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш. Болалар ва оналарни ҳимоя қилиш ташкилотлари кўп. Уларни юртимизга янада кўпроқ жалб қилиш учун эътиборим бўлиш керак, деб ўйлайман. Агар вақт ўтиб, танлаган касбимни ўзгартириш керак бўлиб қолса, тadbиркор аёл бўлардим. Ана шунда ҳам эҳтиёжманд кишиларга қўлимдан келган ёрдамни аямасдим.



Сирожиддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент давлат
иқтисодиёт
университети
ўқитувчиси, иккинчи
ўрин соҳиби
(Самарқанд вилояти):

— Сиёсатга, иқтисодий ўзгаришларга қизиқаман. Иқтисодиёт фанлари доктори даражасини олиш учун ҳаракат қиламан. Танловда иккинчи бор қатнашим. Ўтган сафар вилоят босқичида ҳам иккинчи ўринни олганман. Мен учун асосийси ғолиблик эмас. Ўйлайманки, ҳар бир иштирокчи учун жараёнда пишиши мўҳим.

Бугун талабаларни қизиқтириш жуда қийин. Шу боисдан уларга дунёдаги иқтисодий ислохотлар ҳақида кўпроқ маълумот беришга, халқаро тажрибалар билан ўртоқлашишга ҳаракат қиламан. Танловга қатнашиш давомида одамлар қарши-сида ўзимни қандай тутиш, тингловчиларнинг эътиборини тортишни ўргандим, эркин сўзлаш маҳоратим ошди, деб ўйлайман.



Рушана ЗАРИПОВА,
Термиз давлат
университети
талабаси, учинчи
ўрин соҳиби
(Сурхондарё
вилояти):

— Татар қизиман, ўзбек тилини, халқини ва ватанимни севаман. Вилотимизда 100 га яқин афгон ёшлари таҳсил олади. Улар билан дўстлашиб олганмиз. Уларда ҳам ўзбек халқидан миннатдорлик кайфияти юқори. Ўқишга, ўзбек тилини ўрганишга бўлган иштиёқлари баланд. Афгон дўстларини танловнинг ҳудудий босқичида мени қўллаб-қувватлаш учун келишганидан жуда хурсанд бўлдим.

Танлов ҳақида тўхталадиган бўлсам, таклифларим бор эди. Иштирокчилар учун мажбурий форма тартиби бекор қилинишини истардим. Чунки

кўпчилик узок йўлдан келади. Ҳамма ўзига қулай кийимда бўлиши керак, деб ўйлайман. Менимча, ёшларни эшитиш, уларнинг фикрларига эътибор қаратиш ва, албатта, улар билан ҳисоблашиш керак. Ҳудудлардаги партия ташкилотлари суст ишлайди. Шунинг учун танловнинг янгиланган низоми бизга тўлиқ тушунтирилмаган. Натижада танлов учун тайёрлаб келган лойиҳамни бир кечада ўзгартиришга мажбур бўлдим. Бу, албатта, кайфиятимга, иштиёқимга таъсир қилди. Лекин ўзим тайёрлаб келган дастлабки лойиҳамни амалга ошираман.



Шахло ОРЗИЕВА,
Ўзбекистон ИИВ Навоий
академик лицейи ўқувчиси
(Навоий вилояти):

— Онам — депутат. Шунданми, ҳуқуқ соҳасига қизиқишим баланд. Одамлар билан суҳбатлашиш, уларни эшитишга ва ўрганишга қизиқаман. Танловнинг биринчи шarti «Халқ билан мулоқот; муаммо ва ечим», деб номланди. Шунга асосан одамларнинг муаммоларини ўргандик.

Масалан, туманимизда 1977 йилда 40 ҳўжаликка мўлжалланган трансформатор ўрнатилган экан. Айни пайтда ҳўжаликлар сони 173 тага етган, янги трансформаторга эҳтиёж катта. Муаммони ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри туман электр тармоқлари корхонасига бордим. Лекин у ерда мени жиддий қабул қилишмади, гапларим эътиборсиз қолдирилди. Ана шу кайфиятимга таъсир қилди. Фуқаронинг ёши, жамиятдаги мавқеидан қатъи назар, уни эшитиш, мурожаатини ўрганиш керак, деб ҳисоблайман. Ҳудудимиздан сайланган депутат ёрдами билан муаммо ҳал этилди.



Шахлохон ЙЎЛДАШАЛИЕВА,
хусусий тadbиркор
(Андижон вилояти):

— Биринчи ва иккинчи шартларда ўзим кутган натижани қўлга киритдим. Учинчи шартда камроқ балл тўпладим. Бундан хафа эмасман. Мен учун энг мўҳими — иштирок. Тайёргарлик жараёни жуда қизиқ кечди. Туманимиздаги кўплаб маҳаллаларни яёв кездим. Хонадонма-хонадон юриб, ечимини кутаётган масалалар кўп эканлигини ўз кўзим билан кўрдим. Энг катта муаммо ишчиларнинг эканлиги билди. Шаҳридон туманидаги 6 нафар ноғиронлиги бўлган аёл иссиқхонага ишга жойлашишга қўмаклашдим. Иссиқхона раҳбарини Ўзбекистон савдо-саноат палатасига аъзо бўлишга ундадим. Натижада уларнинг экспорт ҳажми ортадиган бўлди. Мен танлов сабабли қанчадан-қанча яхши ишлар амалга ошиши мумкинлигидан хурсандман.



Салоҳиддин МЕХРИЕВ,
Бухоро солиқ
коллежи ўқувчиси
(Бухоро вилояти):

— Танловга келишдан олдин депутатлар билан биргаликда Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларни ўргандик. 150 дан зиёд мурожаатда ноғиронлик аравачалари сўралган экан. Мутасадди ташкилотлар ёрдамида

уларнинг истаклари қондирилди. Депутатлар билан аҳоли хонадонларида ҳам бўлдик. Кўпроқ 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг орзу мақсадлари, ҳаётга бўлган интилишини кўриб, боримни бергим келди. Эътиборга мўҳтож инсонларни ёлғизлатмаслик, уларга меҳр улашиш кераклигини ҳис қилдим.

Масалан, бир йигит билан танишдик. Унинг оёғи фалаж. Акаси мана шу ҳасталиқдан оламдан ўтган экан. Лекин у таслим бўлмапти. Уйда компьютер тузатиш билан шуғулланаркан. У ўз хонасини бошқаларга ҳам ўргатиб, шогирд таёрламоқда. Партиямиздан телевизор олишда ёрдам сўради. Унинг мурожаати ҳал этилди.

Келгусида барча учун шароит яратилиб, ижтимоий ҳимояга мўҳтож қатлам вакиллари ҳам фаол ҳаёт кечиришларини истаётган. Бунинг учун яхши ўқиб, бор билиминини ишга солишга ҳаракат қиламан.



Санура ҚАЙПАЗАРОВА,
Қорақалпоқ давлат
университети талабаси
(Қорақалпоғистон
Республикаси):

— Болалигим Оролбўйида ўтди. «Кемалар қабристони» бизнинг ўйин майдонимиз бўлди. Мўйноқ аҳолиси кўп йиллар давомида тоза ичимлик сувида қийналишарди. Шўрки, узлуксиз тоза ичимлик суви етказиб бериш йўлга қўйилди. Илгарилари туманимизда сайёҳларни деярли учратмасдик. Ҳозир эса кўчалар одамларга тўла. Мўзейлар очилляпти, турли фестиваллар ўтказилляпти.

Биласизми, Мўйноқда истеъдодли ёшлар кўп. Аммо улар спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит яратилмаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ноғиронлиги бўлган ёшларга бепул шашка, шохмат машғуллотларини ўтатман. Танловда қатнашиб, тажрибам ошди, янги гоғлар билан қайтаман.



Умид КАРИМОВ,
Қарши муҳандислик
иқтисодиёт институти талабаси
(Қашқадарё вилояти):

— Танловда барча қатнашчиларнинг чиқишларини диққат билан кузатдим. Тақдим этилган лойиҳаларда кўтарилган муаммоларнинг ечимига қандай ёндашилгани билан қизиқдим. Очигини айтсам, ҳакамлар ҳаракатлари мени қониқтирмади. Юқори ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг лойиҳаларида масала кўтарилдию, асосли ечими кўрсатиб берилмади.

Бугунги кунда республикамиз бўйича сурдо тилини мукаммал биладиган ўқитувчилар сони 17 нафарни ташкил этади. Бу кўрсаткич билан фахрланиб бўлмайди, албатта. Шунинг билан биргаликда, сурдо-таржимонлик марказини очишни режалаштирганман. Марказ қошида махсус ўқув курслари ташкил этилади. Битирувчилар бандлиги таъминланади. Яъни, гапириш қобилиятига эга бўлмаган инсонларга ўз хизматимизни таклиф этамиз. Шунингдек, зиёратгоҳларга шу тоифадаги ноғиронлиги бўлган сайёҳлар келганда ҳам яқиндан қўмақ беришимиз мумкин. Мен ўз лойиҳамнинг ижтимоий аҳамияти катта, деб ўйлайман.



Анвар ЖУМАЕВ,
Жиззах давлат
педагогика
институти талабаси
(Жиззах вилояти):

— Одатда тўнғич фарзанднинг масъулияти ўзгача бўлади, дейишади. Лекин ака-опаларингдан кам бўлмай, қийинчиликларни енгиб ўтиш ҳам осон эмас. Ойлада беш нафар фарзандимиз, мен кенжасиман. Икки опам ва икки акам олий маълумотли. Опам айни вақтда илмий ишини ёқлаш арафасида.

Олий Мажлис биносига олган таассуротларимни яқинларимга гапириб бергим келяпти. Бир зум депутатларимизнинг ўрнида ўзимни тасаввур этиб янада ҳаяжонландим.

«Обод қишлоқ» дастури бизнинг вилоятимиздан, «Манас» қишлоғидан бошланди. Ўзим Зафаробод туманида истиқомат қилсамда, манаслик дўстларим кўп. Уларнинг уйига борганимда ўзгаришларни кўриб, лол бўлиб қолдим. Қисқа фурсатда шунча иш қилиш мумкинлиги ҳаёлимга ҳам келмаганди.

Танлов жараёнида бир фикрга келдим. Қишлоқ ёшларини ижтимоий ҳимояси, спорт ва санъат билан шуғулланиши учун шароит яратиш лойиҳаси устида ўйлаб-кўроқчидим.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.
Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

ЎҚУВ СЕМИНАР



Сайлов ва сиёсий технологиялар

— Бугун сиёсий технологиялардан кенг-роқ фойдаланиш мўҳим аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрожиддин Дархон. — Мисол учун, ташкил этилаётган ҳар бир семинар-тренингни партиямиз фаолияти учун керакли мавзуларга бағишланган маърузалар, қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтказиш зарур. Шунингдек, мамлакатимиз ҳаётидаги долзарб воқеаларга бағишланган махсус машғулотлар ўтказиш, тарғибот ишида ахборот-таҳлилий ва услубий қўлланмалардан самарали фойдаланишимиз талаб этилади. Албатта, бунда сиёсатшунослар, мутахассислар билим ва тажрибасини ўрганиш мўҳим аҳамият касб этади.

— Чиндан ҳам, шиддатли ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳар бир сиёсий партиянинг доимидан кўра фаоллик билан ҳаракат қилишини талаб этмоқда, — деди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси, социология фанлари доктори Абдулла Абдухалилов. — Сиёсий партияларнинг фаоллиги фуқароларнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилади. Бу эса сайловларда партиянинг қандай иштирок этишига боғлиқдир. Ҳозирда ривожланган демократик давлатларда сайлов жараёнида фойдаланиш учун 400 дан ортиқ сайлов технологиялари қўлланоқда. Аллоҳида эътибор қаратиш кераки, бундай технологиялар демократик реалликка қараб қўлланади.

Сайлов технологиялари деганда сайловларда мақсадга эришиш учун қўлланма бўладиган аниқ стратегик режа тушунилади. Қонун чегарасида қандай услуб қўлланилишидан қатъи назар мақсад аниқ галабага эришиш бўлиши керак. Яъни, номзодлар «мен ҳокимиятга аниқ эришаман», «мен сайловда аниқ галабага эришаман», «мен буни қила оламан», деб ҳаракат қилиши керак. Ана шунда натижа бўлади. Агар номзод «бир омадимни синаб кўрайчи», «бир гап бўлар» қабилида иш қилса, натижа ҳам шунга яраша бўлиши аниқ.

Энг аввало мўҳит танлаи билиш ва унга мослашидир. Бу ҳар бир сайлов технологияларининг амалга ошиши учун мўҳим бўлган жиҳат ҳисобланади. Партия ходими ёки номзод қайси сиёсий технологияни қандай мўҳитда қўллашни билиши керак. Ҳар бир сиёсий технология услубларини қулай мўҳит шаклланишида тўғри ишлата билиш лозим. Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси вакиллари билан тиббиётдаги кашфиётлар ҳақида гаплашиб бўлмайди. Оқддий одамлар олдида академик доирадаги илмий терминлар билан маъруза қилинмайди. Шу жиҳатларга эътибор бериш зарур. Демак, аудиториянинг таркиби, ёши, ижтимоий ҳолати, ҳаттоки оилавий аҳволигача инобатга олиниши талаб этилмоқда.

— Таъкидланганидек, номзодларнинг ишончли вакиллари тўғри танланиши керак, — деди ЎзХДП фаоли, «Билим» ахборот-кутубхона маркази раҳбари Ҳафиза Каримова. — Айтилик, ишончли вакил машҳур юлдузлар, спорт мусобақалари совриндорлари бўлса, унинг номзодни қўллаб-қувватлашини айтиши ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилиши жуда яхши самара беради.

Ўтган сайловларнинг бирида шундай тажриба қўлланилган. Парламент депутатлигига 4 номзоднинг барчаси салоҳиятли. Ким ютишини олдиндан ҳатто тахмин қилиш мумкин эди. 3 нафар номзодни ортда қолдириш учун бир номзод жуда яхши услуб ўйлаб чиққан эди ўшанда. Ўзбекистондаги машҳур чемпионни учрашув залига таклиф қилди. Чемпион ушбу номзоднинг ишончли вакили эканини айтиб, уни мактаб кетди. Натижада ҳамма шу номзод атрофида йиғилиб, унга овоз беришини айта бошлади. Қаранг, қолган номзодлар ҳам салоҳиятли эди, бироқ сайловда ютмади. Чунки улар сайлов технологияларидан самарали фойдалана олмади.

Сиёсий ўқувда, шунингдек, бугун одамлар узундан-узун, умумий фикрлардан иборат маърузаларга мўҳтож эмаслиги, тарғиботчилар кўпроқ таҳлил, ҳаётий мисоллар, одамлар қалбига кириб борадиган йўллардан фойдаланган ҳолда иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Семинарнинг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда сайловга оид технологиялар бўйича интерактив машғулотлар ўтказишди.

«Давоми, бошлангичи 1-бетда.

Зилола АНВАРОВА

МУНОСАБАТ

Мактабларда ўқитишнинг 11 йиллик тизимига ўтилди. Ўқитувчининг маоши оширилди. Муаллимни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизми яратилди. Энг асосийси, педагогларнинг елкасидаги залворли юк олиб ташланди. У пахта йиғим-терими ва турли ҳақ тўланмайдиган, ўзига алоқадор бўлмаган ташвишлардан қутулди. Ўқитувчининг жамиятдаги обрў-этибори, кадр-қиммати тиклаш учун қатъий чоралар кўрилмоқда. Муаллимлар мактабга қайтмоқда. Энди ўқитувчидан фақат таълим-тарбия ишлари сўраладиган бўлди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2 ноябрь куни халқ таълими тизимини янада ривожлантириш борасидаги иш-лохотлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда билдирилган тақлифлар, қўйилган талаблар мамлакатимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийлар томонидан ўрганилиб, муҳокама этилиб, тегишли хулосалар чиқариб олинмоқда.

ЎҚИТУВЧИ МАВҚЕИ ВА МАСЪУЛИЯТИ



Юлдуз ХАМРОЕВА,
Каттақўрғон туманидаги 4-ўрта
мактаб директори,
ЎзХДП фаоли:

— Мамлакат миқёсида таълим-тарбияга, мактабга, муаллимга бўлаётган ғамхўрликларни биз бундан 15 йил илгари Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига раҳбарлик қилган пайтларда кўрганмиз. Ушанда вилоят раҳбари мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналардаги мавжуд аҳволни ўз кўзи билан кўриб, чора-тадбирлар белгиланганига гувоҳ бўлганмиз. Давлатимиз раҳбари ўша йилларда мен раҳбарлик қилган 17-мактабнинг янги биносини кўриб берган эди.

Тўғриси, 30 йиллик педагогик фаолиятимда таълим-тарбия тизимига бугунгидек эътиборни қўрмаганман.

Ўқитувчининг маоши бир неча марта оширилди. Қанадан-қанча имтиёзлар берилди. 2 ноябрь куни йиғилишда жуда кўп масалалар, жумладан, дарс-ликлар етишмаслиги, ўқитувчиларнинг билими ва малакаси талабга жавоб бермаслиги, баъзи бир фанлар бўйича муаллимларга эҳтиёж мавжудлиги, ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар сони ҳамон кўплиги кескин танқид қилинди. Бугун юқорида санаб ўтилган камчиликлар билан мутлақо мурося қилиб бўлмаслиги мамлакатимиз раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

Мен раҳбарлик қилаётган мактабда бугунги кунда 1300 дан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Уларга 70 дан зиёд ўқитувчи турли фанлардан сабоқ бериб келмоқда. Биз Президент ўтказган йиғилишдан сўнг кўрсатиб ўтилган муаммолар юзасидан фикрлашдик. Уларни мактабимиз даражасида бартараф этиш борасида маслаҳатлашдик. Биз муаллимлар бугун зимманимизга қандай улкан масъулият юклатилганлигини чуқур ҳис этишимиз, ишимизга бўлган муносабатимизни бутунлай ўзгартиришимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчига кўрсатилаётган бу юксак ишонч ва ҳурматга, ғамхўрликка муносиб бўлишимиз керак.



Йулдошбой ҚУРБОНБОВЕВ,
Ҳазорасп тумани Питнак
шаҳридаги 17-ўрта мактаб
ўқитувчиси,
ЎзХДП аъзоси:

— Президентимиз ўтказган йиғилишда мактабларда ахборот-технологияларини жорий этиш ҳамда информатика фанини ўқитиш бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги айтиб ўтилди.

Бугун биз ахборот асрида яшаймиз. Замонавий технологиялардан хабарсизлик ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам катта қийинчиликларни келтириб чиқариши тайин. Мактабларимиз интернет тизимига эга бўлиши, ўқувчиларни компьютер техникаларини

билиш даражаси кескин оширилиши давр талабидир.

Мактабларимиздаги мавжуд ҳолатни ҳисобга олиб, Президентимиз мутасаддиларга таълим даргоҳларини компьютерлар билан таъминлаш бўйича аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқиш бўйича тегишли топшириқлар берди. Шунингдек, информатика фанини ўқитишнинг замонавий услубларини жорий этиш зарурлиги ўқитрилди.

Йиғилишда мамлакатимиз раҳбари мактаблар моддий-техник базасини яхшилаш, таълим даргоҳларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу борадаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Ўқитувчининг нафақат обрўи, маоши оширилди, балки унинг олдида қўйлаётган талаблар ҳам, масъулият ҳам оширилди. Демак, хотиржамликка берилишга ҳақимиз йўқ. Ҳар бир ўқитувчи бугун келажақ олдидаги бурч ва вазифаларини чуқур англаб етмоғи зарур.

Барчиной ХАМИДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

РЕКЛАМА

ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОҲОЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузастиригичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузастиригич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: (71) 202-61-71, (71) 230-61-13.

Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: (71) 230-64-65.

Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.

Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: (71) 230-64-68.

Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.

Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: (71) 230-64-78.

Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.

Самарқанд шаҳри, Сельский, Ўрташқ кишлоғи ЭММХ, телефон: (71) 230-64-80.

Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.

Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.

Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: (71) 230-64-74.

Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

► Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
► Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
► Ямобуры.
► Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
► Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-38-55, (71)233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138. 6473 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:35.

Topshirilgan vaqti — 01:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2542-7633



Газетанинг электрон савихфасига ўттиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5